



Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУҚ



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-йил 26-dekabr, №52 (885)

2014 йил — «Соғлом бола йили»

Бош прокуратурада



Улкан ишлар эътирофи

Оила мустақамлиги кўпгина оимларга, жумладан, она ва боланинг саломатлигига боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз раҳнаомлигида келажақ авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилади. Хусусан, она соғлом бўлсагина, ундан жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади, деган ғоя илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2014 йилга "Соғлом бола йили" дея ном беришни таклиф этди ва бу борада қўйидаги фикрларни билдирди:

"Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш — ота-онанинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дас-

турларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани сизларга яхши маълум.

Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни таклиф этаман".

Юртбошимизнинг ушбу фикрларидан кўриниб турибдики, янги йилда Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларимизга бўлган эътибор янада кучайтирилади.

Қамолитдин АСҚАРОВ,
«Нуқуқ»

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилгани ҳар бир фуқароннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганида ўзининг яққол ифодасини топтоқда.

Юксак бағрикенглик намунаси

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор инсонпарварлик тамойилларининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган идоралараро йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ушбу амнистия акти очик-ошкоралик тамойиллари асосида қўлланилиши жараёнида жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилатибди. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тuzилган.

Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларнинг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги тегишли хизматлар раҳбарлари, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишига қўмақлашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқаришга оид вазифалар белгиланди.

Ўз мухбиримиз

Ҳамкорлик масалалари

Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқий фаоллигини оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга.

Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда прокуратура органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адвокат-

лар палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар фуқаролар ҳуқуқий фаоллигини оширишда прокуратура органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг шакллари, ижтимоий шериклигининг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотлар бериш-

ди. Шу жумладан, йиғилишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолангани, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик қилишга доир мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Конференция якунида фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтириш, бу соҳада мавжуд муаммоларни ҳал қилишга оид таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

Обуна — 2014

2014 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқаси бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ - 231

Тегишли қонун ҳужжатларида ер билан боғлиқ барча ишлар ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати органлари ходимлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу боис, ер соҳасидаги барча муносабатларни тартибга солиш қонуний бўлиши лозим. Бироқ, ушбу соҳада ҳам айрим қонунбузарликлар учраб турибди.

Қонунбузулишига йўл қўйилмайди

Абдурахмат БОЛТАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Жумладан, туман ҳокимининг 2011 йилнинг февраль ойидаги қарори билан "Боботоғ иноми" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида ташкил этилган фермер ҳўжалигида раҳбар бўлиб иш бошлаган Орифжон Холбаев бу лавозимда 2012 йилнинг январигача феолият юритади. Аммо ана шу салкам бир йиллик муддат давомида у фермер ҳўжалиги тасарруфидидаги ер майдонидан маълум қисмини фуқароларга пуллашга улгуради. Масалан, фуқаро А.Усмоновга 15 сотих ер майдонини 1 млн. 500 минг сўмга, А.Бобо-назаровга 15 сотихини 1 млн. 200 минг сўмга, Х. Жўраевга 32 сотих-ни 2 млн. сўмга сотади. 50 сотихни эса фуқаро Х.Абдуназаровга бепул "иньом" қилиб юборади.

Юқорида исм-фамилиялари қайд этилган фуқаролар бу ер майдонларидан шахсий томоққа сифатида фойдаланиб келишган бўлса, Х.Абдуназаров уй-жой куриб, истиқомат қила бошлаган экан.

Ваҳоянки, Ер кодексининг талабларига мувофиқ, ер ҳада этилмайди, олди-соти қилинмайди, гаровга ҳам қўйилмайди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, деб белгилаб қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди қонунга хилоф иш тутган, яъни ер майдонларини фуқароларга ноқонуний равишда сотган О.Холбаевнинг қилмишини қўриб чиқди ва унга иш ҳақининг 15 фоиз миқдорига давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Огоҳлик — давр талаби

Гулмола Эгамбердиева (исм-фамилиялар ўзгартirilган) муқаллам уч марта суаланиб, жазони ўтаб чиққан бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармади. Яна жиноят йўлига кириб, ўз ватандошларини алаб, ўзга юртларда улардан "унумли" фойдаланишни мақсад қилди.

Фуркат ТУРСУНОВ,
Пахтакор туман прокурори

Уздини "адвокат" дея таништирган Замира Ҳамроевани устоз сифатида қабул қилиб, Нигора Ҳайдарова ва Дилдора Аҳмедовалар билан ўзаро тил бириктиради. 2011 йил 5 январда Пахтакор туманида яшовчи, молиявий аҳоли оғир бўлган Л.Раменских ҳамда Т.Давлетовага Германиядаги ресторанда иш борлиги, ойлик маош 500 АҚШ доллари миқдорда бўлиши-ю, ўз вақтида тўла-нишини айтиб, уларни қизиқтиради.

Табиийки, ҳеч қаерда ишламай, молиявий аҳоли оғир бўлган икки дугона унинг ваъдасига ишонишади. Даромадли иш истагиди фуқароларнинг паспортларини олган Г.Эгамбердиева уларнинг ҳисобидан авиачипта сотиб олади. Аэропортдан ўтиш учун 100 АҚШ долларида пул бериб, пойтахтга олиб келади. Бу ердан Германияга училарини айтиди-ю, аммо Таяланд қироллигига жўнатиб юборади. Ўзи эса у ердаги шерикларига бу ҳақда телефон орқали маълум қилади. Қизларни гуруҳ аъзолари кутиб олиб, меҳмонхоналардан бирига олиб боришади. Фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, "михозларнинг кўнглини овлаш"га мажбур қилишади.

Бу пайтда Г.Эгамбердиева Сирдарё вилоятида яшовчи "Саша" исмли ҳамтовоги орқали З.Зиғаншина, Фарғона вилоятида

яшовчи М.Яркулова, Дўстлик туманида яшовчи Т.Алексеева ҳамда Н.Раҳматоваларни "излаб топади" ва хориждаги ресторандан иш ваъда қилиб, уларни Таяландга юборади. Уларни одатдагидек, уюшган гуруҳ аъзоси "Таян" кутиб олади...

Кўп ўтмай Г.Эгамбердиеванинг ўзи ҳам Таяланд қироллигининг Патайя шаҳрига йўл олади ва уюшган гуруҳ аъзоси "Таян"нинг уйига жойлашиб, Т.Давлетовани 2012 йил 16 январгача фоҳиша-лик билан шугулланишига мажбур қилади ва ўша кунгича уни хиндистонлик "Ашиш" исмли шахсга 2 минг АҚШ доллари эвазига сотиб юборади...

Пахтакор туман ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг савй-ҳаракатлари билан одам савдоси билан шугулланиб келган уюшган гуруҳнинг кирдикорлари фаш этилди. Улар жиноят иши юзасидан олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида ушланиб, республикамиз ҳудудида олиб келинди.

Суд томонидан судланувчи Г.Эгамбердиева ва бошқа уюшган гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мазкур жиноят орқасидан жабрланганлар эса туман одам савдосига қарши курашиш комиссияси томонидан соғлигини тиклаш ҳамда руҳан соғломлаштириш мақсадида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш марказига юборилди.

«Офтобга чиқиш»нинг нархи

Мансаб инсонига ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун эмас, зиммасига юклатилган вазифани бажариш, шу билан бирга, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш учун берилади. Аммо шундайлар ҳам бор эканки, амал курсисига ўтирганга сўнг, бу жойини гўё шахсий мулкдек қилиб олиб, ҳўзўрига келган фуқаролардан ўз манфаати учун "хизмат ҳақи" талаб қилишни олат қилиб оладилар. Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати Ҳамза туман бўлими катта муҳаннаси Қобилжон Мўминов ана шундай салбий олат туфайли суанинг қора курсисда бош эгиб ўтиришга мажбур бўлди.

Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

2012 йилнинг 28 ноябрь кунин Ҳамза туман ҳокими туман ҳудудида жойлашган нотураб жойини кўрсатилган тартиб асосида шахсий уй қилиб, тураб жой фондига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш Қ.Мўминовга юклатилади.

Қарор бўйича мазкур уй-жой фуқаро А.Таджибаевнинг номига расмийлаштирилиши керак бўлгани ҳолда, унинг ижросини таъминлашга киришган Қ.Мўминов ўзининг хизмат маъкедан фойдаланиб, "мушук текинга офтобга чиқмайди" қабилида иш юртишга қарор қилади. Яъни ҳужжатларни расмийлаштириш учун кадастр идорасига келган А.Таджибаевнинг турмуш ўртоғи

М.Абдуллаевага ниятини баён этади. Унга кўра, уйини нотураб жой фондидан тураб жой фондига ўтказиш ва барча кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига Қ.Мўминов тамагирлик йўли билан М.Абдуллаевадан 500 АҚШ доллари талаб қилади. Агар бу пул берилмаса, ҳужжатлар расмийлаштирилмаслигини айтиб, уйнинг бўлажақ эгасини чорасиз аҳолига тушириб қўяди. Иложсиз қолган М.Абдуллаева иши битиши учун айтилган пулни тамагирга беришга рози бўлади.

Қ.Мўминов хизмат хонасида ундан 100 АҚШ долларини олгач, М.Абдуллаева яна 300 долларни муҳандиснинг автомашинаси-

да унинг қўлига тутқазади. Бироқ нафси ҳақалак отган Қ.Мўминов қолган 100 долларни ҳам беришни талаб қилади. Шундан сўнг М.Абдуллаева бу ҳақда тегишли жойга хабар берди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирга тамагир қўлга олиниб, қилмиши фаш этилди.

Мазкур ишни қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди Қ.Мўминовни уч йил муддатга Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати таркибига ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, беш йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, тамагирликни касб қилганларнинг сўнгги манзили симтўр ортида эканлигини эсдан чиқармайлик. Қолаверса, ҳаром йўл билан топилган мол-дунё инсонга ҳеч қачон вафо қилмайди.

Манфаатлар ҳимоя қилинмоқда

Бобир АБДУЛЛАЕВ,
Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳамза туман прокуратураси томонидан ижтимоий соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар қўриб бориламоқда. Шунингдек, бу борала фуқароларнинг пенсия таъминотида оид ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақидаги мурожаатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туман прокуратурасига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида пенсия таъминотида оид қонун ҳужжатлари бўйича фуқаролардан 18 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 13 таси қаноатлантирилган. Мурожаатларни қўриб чиқиш якунларига кўра 5 та тақдимнома киритилган. Ўз вазифасини лозим даражада бажармаган 5 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, судга 1 та даъво аризаси киритилган. Жумладан, Ҳамза туманида истиқомат қилувчи фуқаро Я.Содиқовнинг пенсиясидан асоссиз чегириб қолинаётгани ҳақидаги аризаси мутахассис жалб этилган ҳолда қўриб чиқилганда, қўйидагилар маълум бўлди. Хусусан, Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси махсус комиссиясининг қарорига асосан 2013 йилнинг 1 июлидан 31 октябргагача ариза муаллифининг пенсиясидан ҳар ойда 50 фоиз чегириб қилинган.

Пенсиядан чегириб қолинашига асос қилиб эса 2011 йил сентябрь ойидан 2012 йилнинг июнь ойига қадар Я.Содиқовнинг ишлаб туриб, тўлиқ миқдорда пенсия олганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги "Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ тўлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан I ва II гуруҳ ногиронлари ишлаб туриб пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эгалар. Маълум бўлишича, Я.Содиқовга 2002 йил 29 октябрда Ҳамза тумани 13-сонли тиббий меҳнат эксперти комиссияси кўригидан ўтиб, тақдим этган тиббий ҳужжатлари ва объектив ҳолатига асосан "Сурункали буйрак етишмовчилиги интермиттик босқичи" таххиси билан II гуруҳ ногиронлиги муддатсиз даврга белгиланган. Шунингдек, унга 1261-сонли ТМЭК далолатномаси асосида тегишли рақам билан ТМЭК маълумотномаси расмийлаштириб берилган.

Бироқ Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси Ҳамза туман бўлими томонидан Я.Содиқовнинг II гуруҳ ногирони эканлиги инобатга олинмай, ундан ноқонуний равишда 1 млн. 2 минг 842 сўм маблағ ушлаб қолинган.

Прокуратуранинг аралашуви билан фуқародан асоссиз тарзда ушлаб қолинган маблағ унинг ноябрь ойидаги пенсия пулига қўшиб берилиши таъминланди. Шунингдек, аризани қўриб чиқиш давомида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси Тошкент шаҳар бошқармасига тақдимнома киритилди, қонунбузилишига йўл қўйган ходим эса интизомий жавобгарликка тортилди.

Соғлом бола — келажагимиз пойдевори

Ер юзида эртанги кунни, авлодлари тақдири ҳақида қайғурмайдиган бирон халқ бўлмаса керак. Насмининг, миллатининг орномусини, ғурур, ифтихорини, истиқболини ўйлайдиган ҳар бир одам ортида соғлом зурриёт, соғлом авлод қолишини истайди. Бу бутун инсониятга хос фазилат. Айниқса, бизнинг болажон халқимиз ўзи емаганини, ўзи киймаганини боласига илинади, эртаси бугундан порлоқ бўлсин, дея ният қилади. Ҳаёти мазмунини фарзандлар бахту камолида кўради, унинг порлоқ келажаги йўлида бор-йўғини аямайди.

Дарҳақиқат, энг олий мақсад ва орзуларимиз фарзандларимизнинг бахту иқболи, камоли билан боғлиқ. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, "...барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фарвон келажагини куриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради". Бу бежиз эмас. Чунки, ёш авлод ҳар қандай мамлакатнинг қудратини белгилаб берувчи улкан куч ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустақам оила йили"нинг мантикий давоми сифатида кириб келаётган 2014 йилга мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб ном берилди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданок юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада кўплаб дастурлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, ўтган йиллар давомида болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом ўлғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоот-



Ҳар қандай мамлакатнинг қудратини белгилаб берувчи улкан куч ҳисобланади.

лари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Дунё жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлаётган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намойён бўлмоқда. Чунки, болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, склизоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, болаларнинг ирсий хасталиклар ва нуқсонли туғилиш хавфи 2000 йилдагига нисбатан жорий йилда 14 фоизга камайди. Мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар туғилиши 2013 йилда 63 фоиздан ошди.

Тахлиллар сўнгги ўн йилда мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг антропометрик кўрсаткичлари ҳам ижобий томонга ўзгараётганини кўрсатмоқда. Хусусан, ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қиз-

Равшан МАШАРИПОВ,
Хонқа туман прокурори

лар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Буларнинг барчаси юртимизга болалар спортини ривожлантиришда давлат сиёсати даражасида улкан эътибор қаратилаётганининг махсулидир. «Соғлом бола йили»да бу борадаги муваффақиятларимиз кўлами янада кенгайиши шубҳасиз.

Соғлом бола деганда, нафақат жисмонан, балки руҳан, маънан соғлом болани тушунишимиз керак. Бундай фарзандни тарбиялаш учун ҳеч қандай жиҳатни назардан четда қолдирмаслик зарур. Уларнинг яхши ўқиши, сиҳат-саломатлиги, спорт билан шуғулланиши ва турли зарарли одатлар, ёт ғоялардан ҳимояланиши, буларнинг ҳаммаси бирдек муҳим. Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидланганидек, соғлом бола аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомилигини таъминлайдиган, келажақ насллар тақдирига қучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга izzat, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Соғлом авлодни тарбиялаш узлуksиз жараён бўлиб, бу кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришнинг, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жаҳиятнинг доимий эътиборни талаб қилади. Бу борадаги эзгу мақсад ва режалар ижроси соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизими, маҳалла ва ижтимоий тузилмалар билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ҳуқуқий фуқаролик жаҳияти қуришда ҳукуматимизнинг Конституция ва қонунлар асосида фаолият олиб бораётганиги, мустақиллигимиз билан бир қаторда Конституциямиз қабул қилинганлигининг ҳам ҳар йили нишонланиши бежиз эмас, албатта. Бир сўз билан айтганда, жаҳиятимизда ҳар бир фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси ҳисобланади.

Қадриятларни улугълаган қонун

Худойберди ҚОДИРОВ,
Зафаробод туман прокурори

Конституциямиз тарихан сингалган умуминсоний, умумбаънарий, халқимизнинг эзгу қадриятларини ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Шунингдек, Асосий Қонунимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Шу билан бирга, Конституциямизда халқимизнинг узок ўтмиш даврлардан буюн шаклланиб келаятган миллий тафаккури, муқаддас қадриятлари ўз аксини топган, халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улугъ хислатлар ўрин олган.

Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибаси асосида давлатда Конституция бўлиши шарт эканлиги ҳақида хулосага келди. Чунки, Конституция йўқ жаҳиятда ижтимоий тартибсизлик ва ҳуқуқий тушунмовчиликлар келиб чиқиши тайин. Шунинг учун ҳам Конституция мустақиллик, тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун курашнинг махсули сифатида ўз ўрнини топти, дейиш мумкин.

Ҳаммаизга маълумки, ҳар бир жаҳиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига яраша, ҳамма учун бажарилши лозим бўлган қонун-қоидалари бор. Конституция давлатнинг ижтимоий давлат тузилиши, сайлов системаси, давлат органларининг тузилиши ва уларнинг иши ҳамда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонундир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида 1992 йил 8 декабрда республикаимизнинг ilk Конституцияси қабул қилинди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўзига хос тараққийёт йўлини танлаган Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва мос Конституцияси дунёга келди.

Ўтган давр мобайнида бошқиб ўтган йўлимизни баҳолаб эканмиз, эришган ютуқ ва марраларимизда Конституцияимизнинг ўрни бекиёсдир. Конституция таъминларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Яъни давлатимиз ва жаҳиятимиз сиёсий-иқтимоий тизимининг янгилаш, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизнинг бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир қуролли қучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимиз ҳаёт синовидан ўтди. Халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими, барча-барчасида биз танлаган йўл ва ислохотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Конституцияда мустаҳкамланган юксак маънавий, ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жаҳиятимизнинг янгилашига кўмаклашди. Жаҳон демократик ҳамжаҳиятига кириб бораётган мамлакатимиз фуқароларининг янгилаш турмуш тарзи ва янгилаш тафаккурини шакллантиради.

Конституция биз учун энг азиз ва мўтабар қонун. Уни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва унга муносив бўлиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Конституциямиз келгусида янада бунёдкорлик мақсадларига йўналтирилган ҳуқуқий демократик ислохотларнинг, қучли фуқаролик жаҳиятининг қурилишида пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

Севган касбимиз, суюкли оиламиз — бизни доим дуолари билан қўлаб турадиган ота-онамиз, ҳаёт йўлларидagi ишончли ҳамкоримиз бўлиши умр йўлдошимиз, доим бахти-камолини тилайдиган фарзандларимиз бор. Эрталаб ишга кетиб, кеч қайтамиз. Фарзандларимизнинг мактабдаги муваффақиятларидан қувонамиз. Эл-юрт тинчлиги, эл қатори оиламизнинг ҳам тинч-тотув ҳаёт кечириётганлиги учун шукрона айтмай. Буларнинг барчасини табиий қабул қиламиз, ҳаммаси азалдан шундай бўлиши керакдек.

Аслида ҳам шундай. Асосий Қонунимизнинг муқаддима-сида шундай дейилади: "Ўзбекистон халқи: ...Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг

Дориламон кунлар қадри

мазкур Конституциясини қабул қилади.

Бош Қонунимиз қабул қилинганидан буюн ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришилди. Ўзимиз, шу қора кўз халқимизнинг фидойий фарзандлари — муаллимлар, деҳқонлар, қурувчилар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳодимлари — барча ватанпарвар юрдошларимиз бу ютуқларга қўлдан келганча ҳисса қўшдик. Шу жараённинг ичида бўлганимиз учун улар бизга табиий туюлади. Нега?... Чунки, биз эришмоқчи бўлган буюк мақсадлар, марралар Конституциямизда аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Конституция — ҳаётимизнинг дастуриламали десак, хато бўлмайди.

Ҳамма нарсанинг қадри қиёсда билинади. Конституцияимизнинг 2-моддасида шундай дейилган: "Давлат халқ

иродасини ифода этиб, унинг манфатларига хизмат қилади".

Амалда ҳам шундай бўляпти? Халқнинг хоҳиши нима? Тинч-тотув яша, меҳнат қилиш, фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай, эл-юртга фойда-си тегадиган кишилар қилиб воёга етказиб, уларнинг роҳатини қуриш. Мақолаимиз бошидаги гаплар бугунги оёсийишта ҳаётимизнинг таърифу тавсифларидир. Қаерда бўлмайлик, қаерга бормайлик, давлатимиз доимо бизни қўллаб-қувватлашига, керак бўлса, ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишига ишонамиз.

Бизда эса Юртбошимиз раҳнамолигида Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларга мос равишда юриштилаётган сиёсат натижасида тинчлик барқарор. Ҳаётимиз йилдан-йилга фаровонлашиб бормоқда. Биргина мисол: статистик маълумотларга кўра, истиқлол йилларида юрт-

Жеткergen УТЕПБЕРГЕНОВ,
Шуманай туман прокурори

дошларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 73 ёшдан ошди. Шу биргина рақам замирида одамлар яхши яшаши учун қулай шароитлар яратилгани, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги, аҳолининг кам таъминланган қатламига давлат томонидан ҳар томонлама кўмак берилаётганлиги ва яна бошқа кўплаб омиллар ётибди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Конституция — ҳаётимизнинг бош қитоби, биз табиий деб биладиган қўллаб-қувватловчи таъминловчи қатламдир. Уни яхшилаб ўрганоғимиз, унинг қоидаларини ҳаётимизга бекам-қўст татбиқ этиш билмоғимиз, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етмоғимиз даркор.

Жиноятчиликка қарши курашда маҳалланинг роли

Мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб аталган 2013 йил ҳам ўз якунига етмоқда. Ўтган вақт мобайнида юртимизда замонавий кўриниш олган янги маҳаллалар пайдо бўлди. Уларнинг халқ турмуш даражасини юксалтиришдаги ўрни беқиёсдир.

Х аётиимизда муқаддас саналиб, эъзозланадиган ҳолатлар жуда кўп. Шулар ичида оиланинг алоҳида ўрни бор. Чунки, оила эр ва хотиннинг муҳаббат, аҳиллик, тотувлик каби эзгу тушунчаларга асосланган ахду паймони, ўзаро ихтиёрий иттифоқи натижасида юзага келади. Маҳалланинг асосини эса муқаддас саналган оилалар ташкил этади.

Ўзбек давлатчилигига назар ташласак, қадимдан халқимизнинг жамоа туйғусига мойиллигини кўрамиз. Шундан ҳам кўриниб турибдики, маҳалла-маҳалла бўлиб яшаш, бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб ҳаёт кечириш, меҳр-мурувват кўрсатиш, маънавий кўмак бериш, жамият қоидаларини менсимасдан нотўғри йўлга қирганларни тартибга қайтариб, таълим-тарбия бериш, руҳий таъсир кўрсатиш халқимизнинг табиатида бор бўлган ҳислатлардир. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ана шундай тарбия максадидир.

Президентиимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидлангандек, давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқаруви бундай катта эътибор берилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётиимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла эндиликда халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ихтимоий қўллаб-қувватлаш механизми ҳам бўлиб қолди. У жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланди.

Миллий қонунчилигимизда бу масалага алоҳида эътибор берилиб, маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятдаги маъвоени ошириш борасидаги қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

2013 йил 22 апрель куни янги тахирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги Қарори шулар жумласидир.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, ҳуқуқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари ва бошқа ташкилий ҳамда ҳуқуқий асосла-

ри кўрсатилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қарориди эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш масалалари баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори билан фуқаролар йиғини тўғрисидаги Номунавий низоми, шунингдек, фуқаролар йиғини ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи комиссияларнинг, жумладан, яраштириш комиссияси тўғрисидаги, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси тўғрисидаги, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси тўғрисидаги, воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги, таъдбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги, экология ва табиатнинг муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси тўғрисидаги, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси тўғрисидаги, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Намунавий низомилар ҳамда уларда иш юртиш тартиби тўғрисидаги низомилар тасдиқланган.

Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифалари қаторига жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш масалалари ҳам киритилган. Дарҳақиқат, инсониятга доим ҳамроҳ бўлиб келган зарари илатлардан бири, агарда унга қарши курашилмаса ёки олдини олиш чоралари қўрилмаса, жамият учун жуда катта хавф манбаига айланди.

Жиноят содир этаётган шахсларнинг аксарият қисми маҳалла аҳолининг бевосита кўз ўнгига бўлади. Айниқса, воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик, оилада бўладиган келишмовчиликлар оқибатида юз берадиган жиноятлар, гиёҳвандлик, фоҳиша-бозлик, терроризм, диний экстремизм, диний ақидапарастлик каби жиноятларга мойиллиги бор кимсаларни маҳалланинг ҳушёр одамлари дарҳол пайқайди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида доимий фаолият кўрсатуричи юқорида номлари санаб ўтилган комиссиялар ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олишда, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, ака-ука, қўни-қўшилар, хатто мактаб ва оилалар ўртасидаги турли келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилишда катта имкониятга эгадир.

Кўп ҳолларда болаларнинг қаровсиз қолиши улар тарбиясининг бузилишига, охир-оқибат

Азизжон ЭРГАШЕВ,
Бош прокуратуранинг ОЎҚ ўқувчиси

жиноят кўчасига қадам босишига сабаб бўлади. Афсуски, ота-оналик вазифасини тўлақонли бажармаётган инсонлар ҳам учраб туради. Ана шундай нотинч оилалар, биринчи навбатда, маҳаллалар эътиборида бўлиши лозим.

Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар жамоат жойларида содир этиладиган безорилик, қасддан одам ўлдириш, тангага оғир жароҳатлар етказиш, ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларнинг бош сабабчиси бўлади. Гиёҳвандлик ёки ичкиликбозликка берилган шахсларни тартибга қайтариш, уларга руҳий таъсир ўтказиб, тўғри йўлга солиш маҳалланинг вазифасидир.

Ўқимишли, ақл-фаросатли, қўлида ҳунари бор ёшлар ҳеч қачон иш қидириб сарсон бўлиб юрмайди. Улар ҳаётда ўз ўрнини тезда топиб кетади.

Тажрибадан маълумки, кўз ўнгига мавжуд бўлиб турган имкониятлардан фойдаланмасдан, ҳавойий ўй-хаёлларга берилиб, кимларнингдир алдовларига учиб чет элларга иш қидириб кетиш натижасида одам савдоси жиноятининг қурбонига айланиб қолаётганлар оз эмас. Айнан ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни тўғри йўлга солиш маҳалла фуқаролар йиғинининг биринчи галдаги вазифаларидан биридир.

Айниқса, диний экстремизм, диний ақидапарастлик каби халқимиз табиғатида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолаётган ёш йигит-қизлар ҳам оз бўлса-да, учраб турибди. Жаҳолатга қарши маърифат, деганларидек, ўз ишига масъулият билан ёндашаётган маҳаллаларда бундай салбий ҳодисаларга йўл қўйилмайди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ёшларнинг ёмон йўللарга кириб кетмаслиги, оилалар тинчлиги, фаровонлиги ҳар доим маҳалла фаолларининг эътиборида бўлиб келаётганлиги маҳалла институтининг ижтимоий ҳаётидаги нечоғли катта куч ва аҳамият касб этганлигини кўрсатмоқда.

Маҳалла орқали фуқароларининг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак ахлоқ жиноятчилик каби иллатдан жамиятни ҳимоя қиладиган энг яхши воситадир. Оилада, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, диний ўнамоларнинг обрў-эътибори одамларимизда қонунбузилиш ҳолатлари билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга олиб келади.

Албатта, маҳалла фуқаролар йиғинларининг зиммасига юқорида таъкидланган қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича бир қатор вазифалар юклатилган. Хотин-қизлар кўмиталари, "Қамолот" ЕИХ, ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда келишилган ва режалаштирилган ҳолда иш олиб борилса, ўзининг самарали натижасини беради. Ҳозирги вазият эса ана шундай ҳамкорлиқни кучайтиришни тақозо этади.

Ҳар қайси мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи энг муҳим ва ҳал қилувчи мезон инсон ҳуқуқлари ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари изчил такомиллаштириб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақлий жиҳатдан қамолотга етмаган, махсус равишда муҳофаза ва гамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ва қабоқларни қамраб олувчи бу ҳуқуқ "бола ҳуқуқлари" тушунчасидир.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Шаҳзод ХУСАНБОВ,
Оқўрғон туман прокурори

Бола ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқий асослари ҳақида гап борар экан, бу борада "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни алоҳида тилга олиш лозим. Чунки, мазкур Конвенция махсус халқаро ҳужжат бўлиб, у бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашнинг ҳамда давлатлараро ҳамкорлик муносабатларининг бош ҳуқуқий асосини ташкил этади. Шунингдек, айни пайтда ушбу Конвенция бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиши учун халқаро ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқлари оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мустақил демократик тараққиётнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг умумий эътифори этилган принциплари ва нормалари устуворлиги тамойилига таянилиб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислох этиш, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини ички қонунчиликка имплементация қилиш ва бу борада миллий қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилиб, воёга етмаганларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи муҳим ҳуқуқий ислохотлар ва кенг қўлламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақил мамлакатимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳар жиҳатдан етуқ, баркамол инсонлар жамиятини барпо этиш, келажаги буюқ давлат қуришдан иборат. Яхши парвартишланган ниҳол қўшга талпиниб, гуркираб ўсганидек, тағ-замини мустаҳкам оилада, ота-она меҳридан, жамиятнинг эътибори ва гамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол бўлиб воёга етадилар ҳамда мамлакатимизнинг келажаги буюқ бўлишига муносиб ҳисса қўшадилар. Бу халқимизнинг эзгу ораси ва инсонпарварлик сиёсатининг пировард мақсадидир.

Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, оилавий муносабатларнинг самимийлиги, ота-оналарнинг болалари, фарзандларнинг эса ота-оналари олдидаги бурчларини сидқидилдан, ҳеч бир монеликсиз адо этиши билан ажралиб туради. Тарбия оиладан бошланди. Ота-она фарзандини она Ватанини севадиган, ардоқлайдиган, зарур ҳолларда жонини ҳам фидо этишга тайёр руҳда тарбияламоғи лозим. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етуқ, мамлакат раънақи ва юрт келажаги учун хизмат қиладиган инсон бўлиб воёга етишида оиланинг ўрни жуда муҳим.

Республикаимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ҳар томонлама соғлом авлодни воёга етказиш, оналар ва болаларнинг моддий аҳолини яхшилаш учун тегишли иқтисодий шароит яратиш, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш сингари мазмун-моҳият муҳассаси.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий ҳуқуқий тизим шаклланган бўлиб, айни пайтда мамлакатимиз мазкур йўлдан дадил қадам ташламоқда. 2014 йилга "Соғлом бола йили" деб ном берилиши эса давлатимиз томонидан келажак авлодга бўлган гамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Республикаимизда фойдаланиётган сув ресурсларининг 80 фоизи қўшни давлатлар ҳудудидан оқиб келишини, шунингдек, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш ва ундан фойдаланишда юзга келган мавжуд муаммоларни инобатга оладиган бўлсак, чекланган сув ресурсларидан самаралар ва оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тақомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари ва чекловлар

Жамиятнинг жадал ривожланишига жиддий таъсир қилувчи ички ва ташқи таҳдидларга қарши таъсирчан чора-тадбирлар кўриш ҳар бир давлатнинг устувор сийсати сифатида тан олинган бўлиб, бунда жиноятчиликка қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи мукаммал норматив-ҳуқуқий базани яратиш билан бир қаторда, янги усул ва механизмларни ишлаб чиқиш, замонавий техника ва технологияларни қўллаш, юқори малакали мутахасссларни тайёрлаш биринчи даражада вазифалар сирасига кириши бежиз эмас. Мамлакатимизда 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун ҳам юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олишга самарали хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мазкур мақола тезкор-қидирув фаолиятининг негизини ташкил этувчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти масалаларига қаратилган бўлиб, уларни мукаммал билиш ва амалиётда қатъий риоя этиш жиноятчиликка қарши курашишда самарали натижаларга эришишда муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятининг амалиёти шундан гувоҳлик берадики, жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош қилиш ва бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши кўзда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари нафақат пухта тайёрланган бўлиши, балки уларни ўтказишда қонунда белгиланган шартларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ўзига хос шартлари ва қоидалари белгиланган.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида бирор тезкор-қидирув тадбирини самарали ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятининг принципларига риоя қилиш кафолатланганлиги соҳага оид қонун нормалари билан ўрнатилган ва очишмай бажарилиши белгиланган махсус қоидалар — тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари деб тушунилади.

Конституциямизнинг 18-моддасида давлатнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги принципи мустаҳкамланган. Мазкур принципга мувофиқ, тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолларда, шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун тўсқинлик қилмайди. Бу принципдан чекинишга истисно тариқасида фақат Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг алоҳида шартларини инобатга олган ҳолда, бу тадбирларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

— прокурор санкцияси олинмиш талаб қилинадиган тадбирлар;

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ўтказиладиган тадбирлар;

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ва прокурор билан албатта келишилган ҳолда ўтказиладиган тадбирлар.

Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари биринчи гуруҳни ташкил этади ва уларни ўтказиш учун прокурор санкцияси албатта олинмиш лозим. Мазкур тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиши учун прокурор санкциясини олиш шартлиги ва мажбурийлиги, энг аввало, уларни ўтказиш шариоитлари инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдорлиги билан боғлиқдир.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик қўриладиганлиги ёки тайёргарлик қўрилиши ақуналиби, содир этиш босқичига ўтаётганлиги ёхуд шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот олинган бўлиб, дарҳол тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилмас ёки ўз вақтида ўтказилиши таъминланмас, гумон қилинаётган шахсларнинг бундай жиноятларни содир этиши оқибатида қайтмас жараёнларни юзга келтириши мумкин бўлган ҳолат, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг асосланган қарори асосида йўл қўйилиши ва бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида прокурорни албатта хабардор қилиш тартиби алоҳида қайд этилган бўлиб, мазкур тамойил жиноятчиликка қарши курашишда муҳим омил сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига таҳдид юзга келган тақдирда, уларнинг телефонлари ва бошқа сўзлашув қурilmалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитишга мазкур шахсларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари тасдиқлаган қарор асосида рўхсат этилади. Прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилиниши лозим.

Тезкор қузув, тезкор кириш, никобланган операциялар ва тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирлари иккинчи гуруҳни ташкил этади ва улар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг тасдиқлаган қарори асосида ўтказилади.

Тегишириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва Ўзбекистон Республикасининг ичкарисида амалга ошириладиган назорат остида етказиб бериш тадбирлари учинчи гуруҳни ташкил қилиб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ва прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади.

Сўров, маълумотлар тўплаш, қийёсий текширув учун намуналар йиғиш, предмет ва ҳужжатларни текшириш, шахснинг айнанлигини аниқлаш каби тадбирлар тезкор ходим томонидан қарор чиқармасдан ўтказилиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг бундай тартиби ТҚФ тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган бўлса-да, ҳар бир тезкор ходим иш юритиши белгиланган қоида ва тартибга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари билан келишган ҳолда ёхуд бундай раҳбар томонидан тасдиқланган иш режасига асосан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг божиона чегараси орқали предметларни олиб ўтишга (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит) йўл қўйиладиган назорат остида етказиб бериш божиона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлари томонидан турар жойларни ва бошқа жойларни, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини, транспорт воситаларини текшириш, тезкор қузув, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, ахборот олишининг бошқа техник воситаларини қўллаш ҳамда почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурilmалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш каби тезкор-қидирув тадбирларини, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий таъвоулардан ҳимоя қилиши таъминлаш

учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилиши белгиланган. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари идоравий қонун ҳужжатларида белгиланади.

Жиноят содир этганлиқда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчилар, шунингдек, суд ҳукми асосан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган (маҳкум)ларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонунлар, Жиноят тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари нормалари билан мустаҳкамланган. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида (БСХ), тергов ҳибсхоналарида (ТХ), гауптвахталарда, шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари (жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари ва турмалар)да тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг бундай фаолиятини амалга оширишда ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Яъни муайян тоифадаги шахслар изоляция қилиниши оқибатида ўзига хос шариоитларда сақланиши; шахсларни сақлаб туриш муддатларининг чегараланганлиги; тезкор-қидирув фаолиятининг махсус куч, усул ва услубларини қўллаш мураккаблиги; юқорида кўрсатилган муассасаларда сақлаб турилган шахсларнинг тезкор бўлим(қисм)лар ходимларига қарши таъсир қўрсатишга руҳий шайлиги; ўта хавфли режидивистлар томонидан айрим маҳкумларни қишлоқ оламга оид урф-одат, анъана ва таомилларга риоя қилишга мажбурлаш; сақланаётган муайян шахсларга салбий таъсир қўрсатишга қаратилган гуруҳларнинг зичлиги; ўзининг жиноий ўтмиши сабабли тезкор ходимларнинг ноошқор ишларининг усул ва услубларидан хабардорлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади.

Тезкор-қидирув тадбирлари мазкур муассасаларда жамиятдан ажратиб қўйилган муайян тоифадаги шахс (ушлаб турилган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, маҳкум)ларга нисбатан ўтказилади ва шунга мувофиқ "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида оид этирилган ўзига хос умумий ва махсус вазифалардан иборатдир. Шу билан бирга, БСХ, ТХ, гауптвахталарда ва жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш дав-

Шўхрат АБАКУЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Криминалистика лабораторияси
катта криминалисти

латнинг инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу муассасаларнинг тезкор бўлими ва қисмларига:

— ушлаб турилган шахс, қамоққа олинган гумон қилинувчи, айбланувчи ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш;

— мазкур муассасаларда жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш;

— ушлаб турилган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда маҳкумларнинг қамоққа олинганга қадар содир этган жиноятларини ва бошқа очилмай қолган жиноятларини, шунингдек, ўта оғир жиноятларни фош этишда ички ишлар органларининг тезкор бўлимларига қўмаклашиш;

— мазкур муассасаларда жиноятларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаётган, содир этган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, қочиб кетган маҳкумларни қидириш каби вазифалар белгиланган бўлиши.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасида тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар кўрсатилган бўлиб, бу чекловлар тезкор ходимларнинг доимо диққат-этиборида бўлиши ва уларга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тезкор ходимлар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фуқаролар ҳаётини, соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда қонуний манфаатларини хавф остига қўядиган, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиладиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиши; фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундаши; зўравонлик, таҳдид, қўрқитиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи бошқа гайриқонуний усуллардан фойдаланиши; ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш; тезкор-қидирув материалларини сохталаштириши, шунингдек бида туриб нотўғри маълумотлардан фойдаланиши; бирон-бир юридик шахснинг, шу жумладан, сиёсий партиянинг, диний ташкилотнинг ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотнинг, шунингдек, жисмоний шахсларнинг манфаатларини қўлаб тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш қатъий тақиқланади.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг депутатлар, сенаторлар, судьялар, прокурорлар, адвокатларни қонфидентлар сифатида ҳамкорликка жалб қилиши ҳам тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган

Нафси бало шифокор



Ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўли давомида бажариши лозим бўлган вазифалари бўлади ва буларнинг барчаси бурч, деб аталмиш сўз мазмунини ташкил этади. Фарзандлик бурчи, Ватан олдидagi бурч, маълум бир касбнинг бошини тутган эса, яна бир масъулиятли бурч пайдо бўлади.

Инсон ўзи танлаган ва тақдирини боғлаган касби орқали одамларга ёрдам беришга, шу орқали эса ўзи туғилиб-ўсган муқаддас заминнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўишига ҳаракат қилади. Албатта, агар бу инсон, бурчига сидқидилдан ёндашиб, касбига садоқатли, фидойий ҳамда жонкуяр бўлсагина ниятига етади. Бироқ, айрим кимсалар касби нуктаи назаридан бажариши шарт бўлган бурчини "баҳолаш"дан ҳам тоймас экан.

Шифокорлик машаққатли касблардан бири эканлигини ҳеч ким инкор этмас керак. Бу касб инсоннинг энг катта бойлиги ҳисобланмиш соғлиқ билан боғланган ўта масъулиятли ва ўз ўрнида шарафли эканлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Озодбек Юлбарсов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) мана шундай масъулиятли касбни танлаган эди. Аммо у беморнинг дардига эмас, ўз нафсининг дардига қулоқ тутадиганлар хилидан экан.

Жамшид САЛОХИДДИНОВ,
Бош прокуратура ички хавфсизлики таъминлаш инспекцияси прокурори

О.Юлбарсов 2001 йилда Республика шифоилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЭИМ) токсикология бўлими мудир лавозимига тайинланган. Манфаат кўриш мақсадида ўзининг хизмат вазифасига қирадиган муайян ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш эвазига товламачилик йўли билан ҳақ талаб қиладиган одат чиқарди. У шифохонага мурожаат қилган бемор М.Абдуғаниева билан суҳбатда "қуруқ қошиқ оғиз йиртар" оҳангида гаплашиб, ўзининг "дардини" тушунтирган бўлди. Шунингдек, М.Абдуғаниеванинг турмуш ўртоғини ҳам ўз бўлимида даволагани, ўшанда ундан 500 "қўкат"ни кўртдай санаб олганини қистириб ўтди. Хуллас, аёл токсикология бўлимида даволанадиган бўлди. Шифокор эса бундай имкониятни қўлдан бой бермай, ўз "бурчи"ни адо этишга киришди ва ундан 10 кунлик даволаниш муддати учун кунига 300 АҚШ долларидан, жами 3 минг АҚШ доллари миқдоридан "хизмат ҳақи" талаб қилиб олди.

2013 йилнинг 1 февраль куни М.Абдуғаниева РШТЭИМ токсикология бўлимига оғир аҳволда олиб келинди. Буни эшитган Озодбекнинг қафти қичишиб кетди ва дарҳол беморни ўз бўлимига қабул қилиб, уни умумий палатага жойлаштирди. Бу ҳолдан ажаланган беморнинг синглиси Манзура Ғузалова бўлим мудир

рига учрашиб, нима сабабдан опасини умумий палатага ётқизганини, бошқа яхшироқ палатага қўчириш кераклигини айтган эди, О.Юлбарсов бармоғи билан бир ишорасини қилди. Ишоранинг қиймати 100 минг сўм деб тушунган Манзура, шифокорнинг "100 доллар ёки 300 минг сўм бўлади", деган гапидан кейин ўйланиб қолди. Бунча пулни тезда топишнинг имкони йўқ эди-да! Шундай бўлса-да, жигарининг саломатлигини ўйлаб, поччаси билан пул топиш ҳаракатига тушди. Айтилган миқдордаги пулни топишнинг иложини қила олишмагач, беморнинг ўзи қизига қўнғироқ қилди ва ундан олган 50 АҚШ долларини бўлим мудирига етказди. Шундан сўнг О.Юлбарсов уни бошқа палатага ўтказди, аммо қолган ярмини ҳам тезда келтириб беришни талаб қилавериб, ҳоли-жонига қўймади. Нафси ҳақалак отган шифокорнинг тамаларидан безиган М.Абдуғаниева ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2013 йилнинг 4 февраль куни СВОЖДЛКК департаментининг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текшириш жараёнида О.Юлбарсовнинг олдида шифо истаб келган бемордан пул талаб қилиб олганидан ташқари, яна бир "хунари" ошкор бўлди. Текшириш давомида унга тегишли "Lasetti" русумли автомашинадан токсикология бўлимида даволанаётган беморлар учун мўлжалланган 62 турдаги дори-дармон воситаларни топилиди. Бўлим мудир қиймати 800 минг сўмдан ошқ дориларни сотиш мақсадида ўз машинасида олиб юрган экан.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан нафси бало шифокорга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тобора кучайтирилиб, улар учун имтиёз ва имкониятлар қўлаи янада кенгайтирилмоқда. Бундан кенг фойдаланаётган юртошларимиз ўз фаолиятларини самарали йўлга қўйиб, эл-юрт равнақиға барақали улуш қўшмоқдалар.

Аммо орамизда фақат ўзим бўла қабилда иш кўрувчи, нафсини жилволашга қурби етмайдиганлар ҳам топилиб туради. Хоразмлик Хусин Юлдашев ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди.

Аслида Урганч туман ҳокимининг 2004 йил 13 мартдаги қарори асосида ташкил этилган "Хоразм avtomobil bozori" МЧЖнинг 51 фоиз улуши давлатники, 49 фоиз эса Х.Юлдашевнинг турмуш ўртоғи Гулнора Камоловага тегишли эди. Шу тариқа жамиятнинг 5 млн. 904 минг сўмлик устав фондини шакллантириш учун давлат улуши сифатида Урганч тумани МТС посёлкиси ҳудудидан 0,5 гектар ер майдони ажрати берилди ва 3 млн. 11 минг 445 сўм қийматида давлат улуши тўлиқ шакллантирилди. Аммо Хусинбой "ўзгача" мақсад қилган экан. У бозорга бошқа таъсисчилар қириб келишининг олдини олиш мақсадида фирром йўлдан борди. Яъни Г.Камоловнинг жамиятдаги улушини шакллантириш мақсадида ўзига тегишли "Хоразм mintaqalararo Tovar yarmarkasi" МЧЖ балансидаги иншоотларнинг бир қисmini унинг номига расмийлаштириб, шу иншоотлар ҳисобидан 49 фоиз улушини шакллантирди. Бунинг нимаси фирром дейсизми? Гап шундаки, Х.Юлдашев амалда бу бино ва иншоотларни "Хоразм avtomobil bozori" балансига топширмай, аксинча, ўз мулки сифатида яна ўзи тасарруф қилиб келди.

Бундан ташқари, қайсингилиси Ф.Камоловани бозор директори сифатида расмийлаштирган Х.Юлдашев амалда



МЧЖни ўзи бошқариб келади. 2008 йилга келиб, бозор нуфузи оша бошлайди. Фуқаролар автотранспорт воситаларини ўзаро келишув билан эмас, балки ихтисослаштирилган бозорга олиб чиқиб, шу бозорнинг рақобат муҳитидан фойдаланган ҳолда савдонга амалга ошира бошлаганиклари ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг ҳажми ортганлиги эвазига бозор маблағлари ҳам ошиб боради. Ана шундай шароитда МЧЖни бировлар эгаллаб олишидан қўрққан Х.Юлдашев бозорга расман раҳбарлик қила бошлайди.

У белгиланган тартиб-қоидаларни менсимай 2008 йилдан то 2012 йил 26 ноябрга қадар жами 250 млн. сўм миқдордаги нақд пулни МЧЖга сотиш мақсадида олиб қирилган автотранспорт воситалари учун фуқаролардан патта йиғимлари сифатида олиб, бу пуллари талон-торож қилади. Ушбу даромаднинг 50 фоизини маҳаллий бюджетга ўтказмай, тушумини яшириш йўли билан ДСИга ҳисоботлар тақдим қилиб келади.

Албатта, бундай қилмишни Х.Юлдашевнинг бир ўзи амалга ошира олмасди. Ф.Камоло-

ва, С.Ачилов, С.Тилаев каби ҳамтовлоқлари унга ҳар ишда қўмақдош бўладилар.

Юқорида Х.Юлдашев "Хоразм mintaqalararo Tovar yarmarkasi" МЧЖга ҳам раҳбарлик қилишини айтиб ўтган эдик. Олғир раҳбар жамиятнинг автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун фойдаланилган 2 240 квадрат ер майдони ҳақидаги қатъий солиқ ҳисоботларини ДСИга топширмасдан, 2010 йилдан 2012 йил 26 ноябрга қадар жами 259 млн. 722 минг 700 сўмлик солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлайди. Бу ҳам етмагандай, ушбу МЧЖ бош ҳисобчиси билан келишган ҳолда жамиятнинг ҳисоботларини тақдим қилмаганлиги ва ҳисоботларда товар айланмасини камайтириб кўрсатганлиги натижада 2008-2012 йилларда жами 10 млн. 150 минг 600 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари ҳам тўлашдан бўйин товлайди.

Х.Юлдашев мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда иқтисодий қудратини ва салоҳиятини таъминлаш мақсадида жиноий йўл билан топиладан даромадларига қонуний тус бериб, ошқоралаштиради. Хусусан, "Хоразм mintaqalararo Tovar yarmarkasi" МЧЖ ҳуду-

дида 472 млн. 673 минг сўмни ташкил қилувчи 9 та савдо дўконлари ва бошқа қурилмалари ноконуний равишда қурилишини таъминлаб, уларни фуқаро ва тадбиркорларга ноконуний равишда ижарага беради.

У Урганч туман ҳокимлигини таъсисчилар сафидан чиқаришни ният қилганди. Шу мақсадда жамият ташкил қилинган вақтда уни ривожлантириш ва қўшимча фаолият ташкил қилиш учун ажратилиши белгиланган 0,5 гектар ер майдонини Хоразм вилоят ҳўжалик судининг 2008 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан, жамият тасарруфига олган бўлса-да, ушбу ер майдонини давлат улуши сифатида жамият устав жамғармасига киритмайдиган. Камига, ўз жиноий даромадида қонуний тус бериш мақсадида бозорда ноконуний қурилишлар олиб боради. Бу қурилмаларни тегишли тартибда ҳўжжатлаштириб, давлат ер тузиш ва кадастр хизматида рўйхатдан ўтказмай, эгасиз мулк сифатида сақлаб келади.

"Хоразм avtomobil bozori"нинг ягона таъсисчисига айланиш ҳаёли унга сира тинчлик бермайдиган. Шу мақсадда ўзи раҳбарлик қилаётган "Хоразм mintaqalararo Tovar yarmarkasi" МЧЖ балансидаги бино-иншоотларни ва ер майдонларини "Хоразм avtomobil bozori" МЧЖга ижара асосида беришни йўлга қўйиб, ижара тўловлари ҳисобидан вужудга келган кредиторлик қарздорлиқни сунъий равишда ошириб келади. Бундай қарздорлик 2013 йил 1 январь ҳолатига 26 млн. 720 минг сўмни ташкил қилган. "Хоразм

Ойбек ШАМУРАТОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huquq»

avtomobil bozori"нинг 565 млн. 760 минг сўмлик мулкларини ўз шериклари билан талон-торож қилишни ният қилиб бошлаган режаси Хоразм вилоят прокуратураси томонидан "Хоразм avtomobil bozori" МЧЖ раҳбарларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиши оқибатида охирига етмай қолади.

Х.Юлдашев ўз шериклари С.Ачилов ва С.Тилаевлар билан бирга, Урганч туман ҳокимининг 2005 йил 20 июндаги қарорига асосан "Хоразм avtomobil bozori" МЧЖда автомобил воситаларини вақтинча сақлаш жойи ташкил қилиш учун 5000 квадрат метр ер майдони ажрати берилган бўлса-да, шу ер майдонида автотранспорт воситаларини сақлаш фаолиятини ташкил қилмаганлиги оқибатида 2010 йил 1 апрелдан 2013 йил 1 январга қадар давлат бюджетига тўланадиган 823 млн. 783 минг 500 сўмлик қатъий солиқларнинг тўланмасдан қолишига сабабчи бўлган.

Қилимиш — қидирмиш. Беш бармоғини оғзига тикишга уринган, ўз манфаатини ўйлаб, давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказган Х.Юлдашев ва унинг шериклари суднинг ҳўкми билан тегишли жазога маҳкум қилиндилар. "Нафсим маним балодур, ёнар ўтга солодур", деганлари шу бўлса керак.

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган

Хизматлар лицензияланган

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

I. Наманган вилояти Чуст тумани "Гова" ҚФЙ Юқори маҳалласида жойлашган "Гова" дам олиш маскани.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий ер майдони 20 704,55 кв.м.; бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 774,19 кв.м.;

Бошлангич нархи — 321 583 012 сўм.

Балансда сақловчи: Чуст тумани "Саркор водий-АИ" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Маъиший хизмат кўрсатиш.

II. Наманган вилояти Чуст тумани "Гова" ҚФЙ Юқори маҳалласида жойлаш-

ган "Гова" дам олиш маскани бино ва иншоотлари мулкий мажмуаси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий ер майдони 7 075,0 кв.м.; бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 398,19 кв.м.;

Бошлангич нархи — 293 677 527 сўм.

Балансда сақловчи: Чуст тумани "Барин" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

Аукцион савдоси 2014 йил 28 январь куни соат 14:00да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 4, 11, 18 февраль кунлари соат 14:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Наманган вилоят филиали-

нинг АТИБ "Ипотека банк" Наманган вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришмома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришмомада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусха-

си, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришмомада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уйнинг 4-қавати.

Маълумотлар учун телефон: (8369) 227-94-47.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.lkms.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли талбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида жойлашган I ва 2-сонли савдо дўконлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

ҳар бирининг умумий ер майдони 19,27 кв.м.;

ҳар бирининг фойдали майдони 15,05 кв.м.;

ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 13 305 600 сўм.

Балансда сақловчи: "Нуробод нефтебаза" унитар корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: Нефть таъминоти.

Аукцион савдоси 2014 йил 28 январь куни соат 15:00да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 4 март, 4 апрель, 5 май ҳамда 6 июнь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижаларига бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (йигирма) кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Қўсқарой филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закат пулини тўлашлари лозим: х/р: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришмома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришмомада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши

учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришмомада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар, М.Қошарий кўчаси 58-уй 2-қават, 205-хона.

Маълумотлар учун тел/факс: (8366) 233-80-56. Факс: (8366) 233-80-56.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.lkms.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли талбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилоят филиали бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳар, Ибн-Сино кўчаси 21-уйда жойлашган Сирдарё тумани ҳокимлигига қарашли собиқ "Сирдарё сут" корхонасининг "Ишлаб чиқариш нехи" бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

— умумий ер майдони — 231,8 кв.м.;

— бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони — 231,8 кв.м.;

— сотиб олиш қиймати кичик муддатларда амалга ошириш;

бошлангич нархи — 96 530 062 сўм.

Балансда сақловчи: Сирдарё туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув. Савдо ташкилотчисига: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилоят филиали, Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 58-хона. Тел: (8-367) 226-38-91. Веб-сайт: www.lkms.uz. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 4 февраль куни соат 10:00да Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 11, 18, 25 февраль кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчисига "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закат пулини тўлашлари лозим: ДАТ (ОАЖ)

"Асака" банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришмома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришмомада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукцион

онда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришмомада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 58-хона.

Маълумотлар учун телефон: (8-367) 226-38-91. Факс: (8-367) 226-38-91.

Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.lkms.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли талбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI»

Биржа савдоларига таклиф этади.

2014 йил 28 январда "Тошкент" РФБ биржа савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фонддаги улуш (%)	Савдога чиқарилаётган акциялар сон (дона)	I дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	I дона акциянинг таклиф этилаётган бошлангич нархи (сўм)	Акциялар пакетининг бошлангич нархи (сўм)
1	ХС «Angren Pack» (аввалги Саноаткалийноғозсавдо) ОАЖ	25,0	101 598	1500,0	111 226,0	11 300 339 148,0

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" ОАЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй

Телефонлар: 232-10-45, 236-77-92

E-mail: info@ndvakt.uz, www.gki.uz

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги ВМ-154-сонли қарорига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилоят филиалининг савдоларига чиқарилиб, 2013 йил 24 декабрда ўтказилган тайлов савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Қарши шаҳар, "Кожор" ҚФЙ "Қорақутчи" қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1146,50 кв.м. бино ва иншоотларининг умумий майдони 468,05 кв.м. бўлган "18-сонли Мактабгача таълим муассасаси" биноси, бошлангич баҳоси — 50 380 806 сўм, сотилиш баҳоси — 51 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бошқарма катта нозир Дилмурод Хайдарова волида муҳтарамаси Мухтабар ованинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Алишер Мақсудовга падари бузруквори Муҳаммаднинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан,**кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни ва жисмоний шахсларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 12.12.2013 йилдаги 457-ф-сонли фармойишига ҳамда 16.12.2013 йил кунги № 2837-01-22-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Шаҳарнинг Саноат кўчасида ҳар хил турдаги пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи куриш учун 10 000,0 кв.м. ер майдони. Ер участкасида фойдаланишнинг минимал қиймати 7 068 000 сўмини ташкил этади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 21 январь кuni тўхтатилади. Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 22 январь кuni соат 16:00да очилади ва 23 январь кuni соат 10:00да мажкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор қилиб белгиленган.

Мазкур ер участкалари 2014 йил 21 январь кuni танлов савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий танлов савдолари 2014 йил 10 февраль кuni бўлиб ўтиши олдидан маълум қилинади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам

бўлмаган миқдордаги закатат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманомалар билан бирга қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли ва-

кил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисида закатат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094. **Хизматлар лицензияланган**

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ барча хорижий юридик ва жисмоний шахсларни бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошкармасининг 19.12.2013 йилдаги 252 и/ч-сонли буйруғи ҳамда Кува тумани ҳокимининг 25.11.2013 йилдаги 1202-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой куриш (деҳқон ҳўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Кува тумани Туркоров ҚФЙ Новекент кишлоғи 30 контурда жойлашган 30 та бошланғич нархи 447 480 сўм бўлган, ҳар бирининг ер майдони 0,06 га., Туркоров ҚФЙ Новекент кишлоғи 110 контурда жойлашган 12 та бошланғич нархи 447 480 сўм бўлган, ҳар бирининг ер майдони 0,06 га., Янгикишлоқ ҚФЙ Оқўрғон кишлоғи 118 контурда жойлашган 20 та бошланғич нархи 447 480 сўм бўлган, ер майдони 0,06 га., Дўстлик МФЙ 20 контурда жойлашган 5 та бошланғич нархи 398 880 сўм бўлган, ер майдони 0,04 га.дан иборат ер участкалари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2014 йил 29 январь кuni соат 11:00да Кува тумани Марказий маданият уйининг катта залида ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш 2014 йил 27 январь кuni соат 18:00да тўхтатилади.

Мазкур аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошланғич нархини 30 фоизи миқдорда закатат пули "Effect Real Group" МЧЖнинг "Савдогарбанк" Фарғона бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329 ОКОНХ: 83400, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки

дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманомалар бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ваколатли вақил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Белгиланган тартибга кўра, аукцион савдоси қилинган савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 кундан кечикмасдан олди-сотида шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади.

Талабгорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича муурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар А.Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84. Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такроран очиқ "Аукцион" савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуриш ва қана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2013 йил 12 декабрдаги 23-сонли тугатиш комиссиясининг йиғилиш баёнига ҳамда 2013 йил 18 декабрдаги 126-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қўйида келтирилган жамиятлардаги улушлари арзонлаштирилган баҳода такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Олтириқ тумани "Олтириқ савдо инвест" (собиқ Олтириқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши,

бошланғич баҳоси 107 157 713 сўм.

2. Бувайда тумани "Янгиқўриқ Файз Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 84 847 552 сўм.

3. Фуркат тумани "Омадлик Инвест Тараққиёт" (собиқ Фуркат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 31,55 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 122 133 770 сўм.

4. Фарғона тумани "Авал Обод Савдо" (собиқ Аввал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 11 704 389 сўм.

5. Кува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 25,02 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 7 312 546 сўм.

6. Қувасой шаҳар "Қувасой Баракали Савдоси" МЧЖ балансидаги "Марказий омборхона"ни 34,76 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 107 574 167 сўм.

7. Учкўприк тумани Давлат таъминоти корхонасидаги 100 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 2 186 771 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йил 8 январь кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 6 январь кuni соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2014 йил 8 январь кuni аукцион савдоларида сотилимаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 24 январь кuni соат 10:00да бўлиб ўтиши олдидан маълум қилинади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита

танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закатат қилишувига асосан, улуш бошланғич баҳосини 10 фоизи миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатидан улушнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реқвизитлари, ИИН: 302128329, МФО: 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар бўйича қўйидаги манзилига муурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси.

Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧК Лицензия RR 0094. **Хизматлар лицензияланган**

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарори асосида ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқларининг 2013 йил 16 ва 19 декабрда бўлиб ўтган тендер савдолари натижалари.

Фарғона шаҳар Маърифат кўчасида иккита қўп қаватли 1-сонли турар жой биноси куриш учун 475,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 417 981 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 4 500 000 сўм. Маърифат кўчасида иккита қўп қаватли 2-сонли турар жой биноси куриш учун 475,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 417 981 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 4 300 000 сўм. Фарғона шаҳар С.Темур ва Мустанқилик кўчалари кесилишмасида вақтинчалик автотураргоҳ куриш учун 2160,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 1 898 554,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 4 000 000 сўм. Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси "Ҳуқуқшунослик" коллежи ёнида енгил типдаги музқаймоқ ва салқинлантирувчи ичимликлар шохбачаси куриш учун 300,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 263 600 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 10 000 000 сўм. Фарғона шаҳар Марғилон кўчаси 72-а уй ёнида иккита қаватли маиший хизмат кўрсатиш комплекси ва офис куриш учун 400,0 кв.м. ер участкасининг минимал баҳоси 317 008,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 2 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, А.Ясавий кўчаси 1-қавати савдо дўкони ва 2,3,4-қаватлари турар жой куриш учун 475,0 кв.м. участкаси. Ер участкасининг

минимал баҳоси 417 987,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 1 500 000 сўм. Фарғона шаҳар, Фарғона шаҳар С.Темур ва Мустанқилик кўчалари кесилишмасида Минибуфолт майдончаси куриш учун 3000,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 2 636 880,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 5 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси "Солиқ коллежи" ёнида минибуфолт майдончаси куриш учун 2400 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 1 902 048,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 30 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, Фарғоний кўчасида янги қурилаётган қўп қаватли турар жой бинолари ҳудудида автомобиллар тўхташ жойи куриш учун 1000 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 878 960,0 сўм.Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 2 400 000 сўм. Фарғона шаҳар, Фарғоний кўчасида янги қурилаётган қўп қаватли турар жой бинолари ҳудудида музқаймоқ ва салқинлантирувчи ичимликлар шохбачаси куриш учун 100 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 87 896 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 1 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, Темир йўл кўчасида иккита қўп қаватли 1-сонли уй-жой биноси куриш учун 475,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 417 506,0 сўм. Тендер қилиб томонидан так-

лиф этилган 2 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, Темир йўл кўчасида иккита қўп қаватли 2-сонли уй-жой биноси куриш учун 475,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 417 506,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 2 000 000 сўм. Фарғона шаҳар, Темир йўл кўчасида 1-қавати савдо дўкони қолган иккинчи қавати уй-жой биноси куриш учун 220,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 193372,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 1 300 000 сўм. Фарғона шаҳар, Фарғона шаҳар, Темир йўл кўчасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиш бозорчаси куриш учун 400,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкасининг минимал баҳоси 351 584,0 сўм. Тендер қилиб томонидан таклиф этилган 500 000 сўм.

БИЛДИРИШНОМА

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган газетанинг 2013 йил 21 ноябрь кунги 47 (880)-сонидagi эълонларни 4 ва 5 тартиб рақами остидаги ҳамда 49 (882)-сонидagi 1 тартиб рақами остидаги объектлар бўйича танлов савдолари Фарғона шаҳар ҳокимининг 23.12.2013 йил кунги 2902-02-22-сонли хатига асосан вақтинча тўхтатилган билдирилди.

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@gazeta.uz
Gazeta har haftang payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kashiflangan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Muxlif fikrli tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

231

Buyurtma j-8824.46023 nussada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Sahifalovchi: S.BOBODJONOV
Nashriyot: O'.DEHONOV
Bosmasxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa jidoyi uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuoti va
anxori aptogidagi 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004